



ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бухоро давлат университети
ректори

А.А. Тулаганов
сентябрь 2017 й

“Бухоро давлат университетининг энг яхши педагоги” танловига ариза бериш интерактив хизматнинг намунавий регламенти.

1.Хизмат таърифи

1.1.Хизмат (паспорти) номланиши

Қисқа номи: “Бухоро давлат университетининг (кейинги ўринларда – Университет) энг яхши педагоги” танловига ариза бериш.

Кенгайтирилган номи: Университет томонидан “Бухоро давлат университетининг энг яхши педагоги” танловига аризаларни электрон қабул қилиш хизмати.

1.2.Хизмат натижаси

Университет порофессор-ўқитувчиларидан “Бухоро давлат университетининг энг яхши педагоги” танловининг Университет босқичи (1-босқич) га электрон шаклда ариза қабул қилиш.

1.3.Хизмат кўрсатувчи

Хизмат университет томонидан кўрсатилади.

1.4.Хукуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “ОТМнинг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 32 – сонли қарори.

1.5.Хизматдан фойдаланувчилар

Университетнинг камида 3 йил тўлиқ ставка бўйича фаолият юритаётган, ёши, илмий даражаси ва унвонидан қатъи назар, бакалавриат ёки магистратура таълим дастури бўйича курслардан бирида (лекция, семинар, амалий ёки лаборатория) машғулотлар олиб борилаётган педагоглари.

1.6.Ариза бериш муддатлари

15 апрелдан бошлаб 5 иш куни мобайнида

1.7. Бажариш муддатлари

5 кун

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1.Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- Хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш учун талаб этилган ҳужжатлар рўйхати;
- Ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- Хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2.Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали.

2.3.Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11- уй
Мўлжал: Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар хиёбони
Транспортлар: 6,76,33,75,86,88- автобусларнинг “Олмос” кафеси бекати,
72,25,37,11- автобусларнинг “Университет ётоқхонаси” бекати.

3.Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1.Иш вақтлари

Университет Танлов комиссияси душанба – жума куни соат 09⁰⁰- 18⁰⁰ га қадар фаолият олиб боради.

Ҳафтанинг якшанба куни дам олиш куни ҳисобланади.

3.2.Кутиш шартлари

5 кун

4.Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1.Зарур бўлган ҳужжатлар

-Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ):

-ЭРИ (электрон рақамли имзо)

Қуйидаги ҳужжатларнинг сканерланган версияси тақдим этилади:

-Университет кафедра мудирининг томонидан (Танловда кафедра мудирининг қатнашган ҳолларда тавсиянома ўқув ишлари бўйича проректор томонидан берилди) танлов иштирокчиларининг университетдаги педагогик, касбий ва жамоат ишларидаги фаолияти ҳақидаги тақдимномаси;

-Танлов иштирокчисининг педагогик концепцияси тавсифи (3-6-бет босма матнли ҳажмда);

-Танлов иштирокчисининг аҳамиятли бўлган ўқув-услубий, илмий-услубий материаллари ёки ижодий ишлари, уларга ташқи тақриз билан бирга;

- турли танловларда фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
 - грантлар асосидаги фаолиятда қатнашганлиги тўғрисидаги маълумот; унда грантнинг номи, молиялаштириш ҳажми, қатнашишнинг шакли ва даражаси кўрсатилади;
 - конференциялардаги иштироки ҳақидаги маълумотлар, уларда мақоми ва номи, ўтказилган жойи, шахсан иштирок этиш даражаси (маърузачи, ҳам маърузачи, ташкилотчи) кўрсатилади;
 - халқаро лойиҳалар ва дастурлардаги иштироки тўғрисидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар (номи, молиялаштириш манбалари ва ҳажми, иштирок этиш даражаси кўрсатилади);
 - малака ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш курсларидан, стажировкадан ўтганлик тўғрисидаги сертификатлар ва гувоҳномалар (мавзуси, соатлар ҳажми ва ўтказилган жойи кўрсатилади);
 - эълон қилинган материалларнинг белгиланган тартиби университет томонидан тасдиқланган рўйхати;
 - бевосита танлов иштирокчиси раҳбарлигида танловларда, лойиҳаларда, олимпиадаларда иштирок этиш учун тайёрланган талабалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, унинг касбий - ютуқлари ҳақидаги бошқа материаллар
- *Эслатма: Хужжатлар тўпламига киритилган материаллар ва ахборотлар. Танлов иштирокчисининг сўнги 3 йилдаги фаолиятига доир маълумотлар бўлиши лозим.

4.2.Хизмат тўлови

Бепул

4.3.Хизмат кўрсатиш босқичлари

- ОТМнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:
- 1.id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга киритилади
 - 2."Интерактив хизматлар" бўлиmidан "Бухоро давлат университетининг энг яхши педагоги" танловига ариза бериш" хизмати танланади.
 - 3.Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади.
 - 4.Ариза шакли тўлдирилади ва хужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади.
 - 5.Ариза тўғри тўлдирилганлигини. "Электрон рақамли имзо билан юборинг" функцияси танланади ва ариза юборилади.

4.4.Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

- 1.Масъул ходим томонидан мурожаат қилувчига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар юборилади.
2. Аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.
- 3.Аризачи хужжатларнинг асл нусхасини электрон ариза қабул қилингандан кейин 1 (бир) кун ичида университет танлов комиссиясига топшириши шарт.

4.6. Рад этиш сабаблари.

Маълумотлар нотўғри критилганлиги.

“КИРИТИЛДИ”

Ўқув-услубий бошқарма
бошлиғи

 М.Я.Эргашов

“27” сентябрь 2017 й



“КЕЛИШИЛДИ”

Ахборот технологиялар
маркази бошлиғи

 М.З. Хусенов

“27” сентябрь 2017 й